



Зоҳидуллоҳ МУНАВВАРОВ,
Ўзбекистон халқаро ислом
академияси Халқаро
муносабатлар кафедраси
профессори, сиёсий
фанлар доктори

Луғат деганда, одатда, муайян тилда мавжуд бўлган сўзлар, иборалар, тушунчалар, атамалар, идиомалар ва ҳоказоларнинг мажмуаси ҳамда уларнинг бошқа тилларга таржимасини ўзида мужассамлаштирган битик тушунилади. Аммо бу соҳага чуқурроқ, яъни профессионал назар билан қаралса, унинг ўта мураккаб ва серқирра илмий-адабий феномен эканлиги аёнлашади. Аслида, мумтоз луғат алфавит бўйича ёки бошқа муайян бир тарзда тартибга солинган «митти» мақолалар шаклидаги илмий тадқиқотлар натижаларини ўзида мужассамлаштирган маълумотлар хазинаси бўлиб, унда келтирилган сўзлар ёки иборалар муайян принципларга риоя этган ҳолда, уларнинг номланиши ёки мавзусига қараб жойлаштирилади.

«АЛ-ҚОМУС»

— ноёб ва зарур луғат

«Ал-Қомус: арабча-ўзбекча қомусий луғат»нинг яратилиши жамиятимиз маданий ҳаётидаги нечоғлик муҳим воқеа бўлганини тўлиқ идрок этиш учун луғатчилик соҳаси билан боғлиқ яна бир қатор умумий маълумотларни келтириш мумкин. Жумладан, луғатлар, асосан, иккита катта гуруҳга бўлинади: қомусий (энциклопедик) ва лингвистик (терминологик, атамалар). Қомусий ёки энциклопедик луғатлар, одатда, тавсифланаётган тил бирликлари ҳақидаги экстралингвистик маълумотларни қамраб олган бўлиб, бундай луғатлар илмий тушунчалар, атамалар, тарихий воқеалар, шахслар ва ҳоказолар тўғрисидаги маълумотларни ўзида мужассамлаштиради.

Луғатларнинг яна кўплаб турлари мавжуд, уларнинг олдига қўйилган мақсадларга мувофиқ равишда имло (орфографик), этимологик, антропонимик, ономастик, топонимик, тарихий, фалсафий, тиббий, техник, мураккаб сўзлар, хорижий сўзлар ва бошқа йўналишларга ихтисослашгандир. «Ал-Қомус» юқорида зикр этилган ва луғатчиликнинг яна бир қатор бошқа соҳаларини ўзида мужассамлаштирган том маънодаги энциклопедик луғатдир.

«Ал-Қомус»да луғатлар билан боғлиқ яна бир муҳим жиҳат, яъни уларнинг тегишли тиллар салоҳияти ва имкониятларини ўзида мужассам этган кўзгу сифатидаги табиати ўзбек тили билан боғлиқ ҳолда ўзини тўла намоён этган. Унда ҳар қандай тилнинг сўз бойлиги ва жозиба кучини тўлиқ тушуниш, унга бағишланган луғатларнинг нечоғлик мукаммал экани билан чамбарчас боғлиқдир деган қоида яна бир қарра ўз исботини топган.



Ардоқли шоиримиз Эркин Воҳидов ўзбек тилшунослари олдида турган вазифалар ҳамда бу соҳада амалга оширилаётган диққатга сазовор лойиҳалар ҳақида фикр юритиб, «академик Неъматуллоҳ Иброҳимов раҳбарлигида тайёрланаётган арабча-ўзбекча мукаммал луғат яқин ойлarda дунё юзини кўражак» дея ният қилган эдилар. Мана, эзгу орзу амалга ошгани шоҳиди бўлиб турибмиз. Устоз Неъматуллоҳ Иброҳимов раҳбарлигидаги истеъдодли арабшунос олимлар Абдулҳаким Орипов, Акмалжон Икромжонов ва Абдулҳамид Зайриевдан иборат ижодий гуруҳ йиллар давомида чеккан олимона заҳматнинг хайрли самараси қизғин олқишларга муносибдир.

Ўзбекистон илмий жамоатчилигига тақдим этилган «Ал-Қомус» луғати қатор жиҳатлари билан қимматлидир. Биринчидан, у юз мингдан ошиқ сўз ва иборани қамраб олган фундаментал луғавий тафсирдан иборат. Ушбу муносабат билан таъкидлаш ўринлики, сўз бойлиги 100 000 бирликни ташкил этадиган тилларнинг ўзи дунёда саноклидир. Бу ҳақиқат ўзбек тилининг нечоғлик бой ва серқирра воқеликни ўзида мужассам этган нодир феномен эканини кўрсатадики, бу она тилимиз имкониятла-

рининг гўёки чекланганлиги ҳақидаги, онда-сонда бўлса ҳам, эшитилиб қоладиган иддаоларга берилган асосли раддиядир. Иккинчидан, кирилланган сўз ва ибора бирликлари сони бўйича илмий жамоатчиликка яхши маълум бўлган рус арабшуноси Х.К.Барановнинг машҳур «Арабско-русский словарь» луғатидан икки ярим ҳисса ортиқ бўлган, ҳар бири 900-1000 саҳифали тўрт жилддан иборат «Ал-Қомус»нинг принципиал фарқларидан бири шундан иборатки, у шўро даври учун хос бўлган ислом дини билан боғлиқ араб тилига қарши мафкуравий тазйиқлардан холи тарзда тузилган. Учинчидан, луғатда арабча сўзларнинг ўзбекча таржимасини бериш билан чекланилмаган, балки асл илмий луғатлар тақозосига мувофиқ равишда тегишли сўзларнинг нозик жиҳатларини ойдинлаштирувчи арабча матнлардан мисоллар ҳам келтирилганки, бу ҳол унинг профессионал даражасини янада юксалтирган. Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий У.Алимов томонидан ҳақли равишда таъкидланганидек, «Ал-Қомус – қомусий луғат, унда тарихий шахслар, жуғрофий номлар, уларнинг аталиш сабаб-



лари, кўплаб ўсимлигу ҳайвонларнинг ўзбекча муқобиллари билан биргаликда илмий номлари ҳам берилганки, бу турли илм-фан вакилларида ҳам қизиқиш уйғотади». Бешинчидан, «Ал-Қомус»ни тузишда Халил ибн Аҳмаднинг «Ал-Айн», Ферузободийнинг «Ал-Қомус ал-муҳит», Ибн Манзурнинг «Лисон ал-араб» каби мумтоз араб луғатлари ҳамда «Ал-Муъжам ал-кабир», «Ал-Муъжам ал-васит», «Муъжам матн ал-луға», «Муъжам ал-луға ал-арабийя ал-муъосира» каби замонавий арабча энциклопедиялар таянч манбалар вазифасини бажарган. Шунингдек, Лейн, Илйас, Бело, Гиргас каби муаллифлар томонидан яратилган инглиз, француз, рус ва бошқа Ғарб тилларидаги луғатлардан самарали фойдаланилган. Бундай фундаментал ёндашув



натижасида тақриз этилаётган луғатни бошқалардан фарқлантириб турадиган фазилатлардан бири – унда луғатчиликнинг бир неча жанрларининг синтези ўз ифодасини топганида намён бўлган.

Янги луғат билан боғлиқ яна бир муҳим масалага эътиборни қаратишни истар эдик. Ўзбекистон Миллий университети ва бошқа бир қатор олий ўқув юртларида манба шунослар, жумладан, архившунос мутахассислар тайёрланмоқда. Улар фаолиятининг самарадорлиги, энг аввало, мамлакатимиз тарихига оид араб тилидаги ва араб ёзувида битилган бошқа тиллардаги асл манбаларни ўқиш маҳоратини эгаллаш ва улардан унумли фойдаланиш билан боғлиқдир. Шунинг учун ҳам мазкур йўналишда таъ-

лим олаётган талабаларга араб алифбосига асосланган эски ўзбек ёзуви билан бир қаторда араб ва форс тиллари ҳам ўргатилади. Мазкур фаолиятни қийинлаштираётган омиллардан бири тегишли ўқув қўлланмаларининг танқислиги, жумладан, арабча-ўзбекча мукаммал луғатнинг йўқлиги эди. Ушбу луғат, шубҳасиз, мазкур бўшлиқни тўлдиришда алоҳида ўрин тутди.

Ноёб ва ниҳоятда зарур маънавий мулк бўлиб қолажак «Ал-Қомус» мустақиллик йилларида Ўзбекистонда амалга оширилган араб тили билан боғлиқ луғатшунослик йўналишида амалга оширилган илмий изланишларнинг мантиқий чўққиси сифатида дунё юзини кўрди. Мазкур маънода луғатга ёзилган муқаддимада ушбу йўналиш ривожига ҳисса қўшган ўзбек олимлари Б.Иброҳимов, О.Мусаев, Т.Қодиров, А.Абдужабборов, Н.Орифхўжаев, О.Носиров, М.Юсупов ва бошқаларнинг хизматлари ҳурмат билан зикр этилгани – ибратли олимона одоб белгисидир.

Фурсатдан фойдаланиб, янги луғатдан фойдаланувчилар доирасини кенгайтиришга қаратилган истиқболли режаларга ҳам муносабат билдиришни истар эдик. Собиқ иттифоқ доирасида

араб тили билан шуғулланган мутахассислар ва ҳаваскорлар, асосан, Х.К.Барановнинг юқорида зикр этилган луғатидан фойдаланиб келганлар. Айтиш жоизки, собиқ иттифоқ бўйлаб сочилиб кетган бундай ижтимоий қатламларнинг умумий адади миллионлар билан ўлчанади. Шунини инобатга олган ҳолда «Ал-Қомус»нинг арабча-русча версиясини яратиш ишларини жадаллаштириш зарур кўринади. Бундай лойиҳа, биринчидан, улкан маънавий савоб даражасидаги иш бўлса, иккинчи тарафдан, Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги бўйлаб фаолият кўрсатаётган арабшунослик илмий марказлари, ислом дини билан боғлиқ муассасалар ва умуман арабшунослар фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилган бўлур эди. Ўзбек шарқшунослик мактабининг ушбу улкан ва шу даражада фойдали илмий лойиҳани амалга ошириш салоҳиятига эгаллиги мазкур тақдирни олға суришга асос бўлиб хизмат қилади. Мамлакатимизда яратилаётган янги маънавий муҳит ҳам бундай режанинг амалга оширилиши учун қулай шароитларни муҳайё этмоқда.